ПАРТИЯ ТУРМУШИ: КПСС XXVIII съездига тайёргарлик

# ҲАРАКАТ НУҚТАСИ

БУ воқеа қурилиш ташкилотларидан бирида рўй берди. Эътиқодли, ташаббускор коммунист оғир хасталаниб, шифохонада тўрт ой даволанди. Соғайиб чиққач аъзолик бадалларини тўлаш учун борганида илгари унинг ҳаққоний танқидларидан «озор» кўрган баъзи кимсалар уни КПСС Уставига мувофиқ муҳокама қилиб, жазолашни таклиф этишди...

Китоб районидаги Улуғбек номли колхоз партия комитетининг секретари Жалолбой Ҳасанов билан суҳбатимиз шундан бошланди.

— Бундай ҳоллар янгиланиш жараёнида учраб турибди, — деди суҳбатдошим.— Бу ҳали сафларимиз унча мустаҳкам эмаслигидан, айрим коммунистларда сиёсий етуклик етишмаётганлигидан далолат. Бир нарса мени ўйлантиради. КПСС Уставида маромига етмаган, мавҳум бандлар бор. Қизғин баҳс-мунозараларда ўртага ташланаётган таклиф ва мулоҳазалар ҳам шу фикрнинг исботидир. Ҳал қилувчи бўғинларда қайта қуриш суст бораётганлигининг асосий сабабларидан бири партия қурилишининг асосий таянч нуқтаси, омма билан доимий мулоқот юритувчи қуйи бўғинларга амалда кенг мустақиллик берилмагани, ҳуқуқлари чекланганида деб биламан. Улар фақат сиёсий, ташкилотчи куч сифатида фаолият юритмоқдалар. Меҳнаткаш турмуш шароитини яхшилашга бевосита ҳисса қўшиш борасида қўли калта, моддий база ночор. Бунинг оқибатида тадбирларни изчил амалга ошириш йўлида кимларнингдир олдида сарғайишга тўғри келади.

Секретарь стол устидаги КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳаси босилган газетани қўлига олди. Айрим жумлалар таги қалам билан чизилган, баъзи жойлари белгилаб қўйилган.

— Хўжалигимиз коммунистлари, барча меҳнаткашлари тарихий ҳужжатни зўр қизиқиш билан ўқиб-ўрганмоқдалар, — сўзида давом этди Ж. Ҳасанов. — У қуйи партия ташкилотларида, меҳнат коллективларида чуқур манфаатдорлик билан муҳокама қилинаётир. Лойиҳада жамиятнинг ҳар бир кишисига ва ҳамма қатламларига дахлдор жиҳатлари борки, ундаги фикрлар, бандлар тортишувларга, баҳс-мунозараларга сабаб бўлаяпти. Партком аъзолари билан биргаликда атрофлича танишиб, съездолди ҳужжатини коммунистлар, партиясизлар ўртасида кенг ўрганиш ва тарғиб этиш тадбирларини белгиладик. Муҳокамалар чоғида билдирилаётган таклиф ва мулоҳазалар тўпланиб умумлаштирилмоқда.

— Ҳаракат дастури лойиҳаси ҳақида шахсий фикрингиз қандай?

— Уни қайта-қайта ўқиб чиқдим. Назаримда бу ҳам илгариги кўпдан-кўп партиявий ҳужжатларга ўхшаб кетади. Айтилган фикрлар пуч ваъдалар бўлиб қолмаслиги керак. Айни вақтда ундан ўзимни қийнаётган қатор саволларга жавоб топдим. Кечикиб бўлса-да партия ўзини қайта қуриши зарурлигини тан олгани айниқса маъқул. Зеро, янгиланаётган жамиятни бусиз бошқариш мумкин эмас.

«Съездолди ҳужжатида қишлоқ меҳнаткашлари зиммасида ҳам юксак масъулият юклангани таъкидлаб ўтилган. Бу борада колхоз аъзолари нималар қилишаяпти? Коммунистларнинг олий анжуманига қандай тайёрланмоқда?», деган саволимизга партком котиби шундай жавоб қайтарди:

— Чиндан ҳам бугунги кунда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш, турмуш фаровонлигини юксалтириш долзарб вазифа бўлиб турибди. Хўжалигимиз аҳли саноатни хом ашё билан таъминлашга ва дастурхон тўкинчилигига муносиб ҳисса қўшаётир. Буни ўтган йил натижаларидан яққол билиш мумкин.

ҲАММА нарса иқтисодиётга бориб тақалади. Ҳаракат дастури лойиҳасида ҳам мамлакат иқтисодий аҳволини соғломлаштиришга алоҳида тўхталингани бежиз эмас. Колхоз бундан беш-олти йил муқаддам давлатдан қарзга ботиб, қолоқ хўжаликка айланган эди. Лекин кейинги икки-уч йилдан бери бу ерда хайрли ишлар, ижобий ўзгаришлар бўлаяптики, кишини беҳад қувонтиради. Гектарлар унумдорлиги ошиб, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўпаймоқда, ички резервлардан самарали фойдаланилмоқда. Натижада иқтисодиёт тобора мустаҳкамланаяпти.

Ғалабанинг йўли ҳамиша машаққатли кечган. Ўтган йил қандай бўлганлиги барчага аён. Деҳқонлар юз берган қийинчиликларни мардона меҳнат билан енгиб ўтдилар. Бунда коммунистлар шубҳасиз авангардлик кўрсатишди. Меҳнаткашга тўла эркинлик берилмаса тармоқларни барқарор ривожлантириш қийин. Бултур маъмурият, партия, касаба уюшмаси ва комсомол ташкилотлари биргаликда ишловчиларга мустақиллик бериш, қулай иш ва дам олиш шароитлари яратиш, меҳнатнинг илғор усулларини кенг жорий этиш йўлини тутишди. Пировардида 1989 йил деярли барча соҳалар бўйича муваффақиятли якунланди. Гўштдан бошқа барча турлар бўйича давлатга маҳсулот сотиш юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилди.

Таъкидлаш керакки, меҳнаткаш инсон ҳамиша ғамхўрликка, эътиборга муҳтож. Ўтган йили республика партия ва ҳукуматининг ташаббуси билан терилган пахтага қўшимча ҳақ белгилангани деҳқонлар кайфиятини кўтарди, ишига унум бахш этди. Бир жиҳатдан бу тадбир, иккинчи томондан эса йиғим-терим уюшқоқлик билан ташкил этилиб, ғоявий-сиёсий ишлар кучайтирилгани туфайли мавсум ҳар қачонгидан кўра қисқа фурсат ичида тугалланди. Она-Ватан хазинасига пландаги 1.460 тонна ўрнига 1.570 тонна сифатли оқ олтин ҳадя этилди. Муҳиб Назриддинов, Низом Ражабов, Қурбон Исоқов бошлиқ бригадалар гектар ҳосилдорлигини ўртача 30—32 центнердан оширдилар.

Хўжалик меҳнаткашлари бултур мева, сабзавот, картошка, сут, пилла сотишдан ҳам яхши манфаат кўрдилар. Ўтган йили колхознинг иқтисодий кўрсаткичлари қувонарли бўлди. Барча соҳалардан жами 2 миллион 939 минг сўм даромад олинди. Соф фойда 851 минг сўмни ташкил этди. Рентабеллик бир йилда ўн фоиз ошиб, 35,3 фоизга етди. 1989 йил давомида колхозчиларга 1 миллион 548 минг сўм ҳақ берилган бўлса, якунда ҳар сўмга салкам ярим сўмдан қўшимча тўланди. Бу Н. Ражабов бошлиқ бригадада ҳар сўмга 96, М. Назриддинов бригадасида эса 86 тийиндан тўғри келди.

Мўмай даромад, яхши иқтисодий манфаатдорлик хўжалик ҳаётининг барча қирраларини, меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, қишлоқларнинг ижтимоий қиёфасини янада яхшилаш имконини бераяпти. Колхозда ҳамма бригадалар дала шийпонига эга. Улар колхозчиларнинг ҳақиқий оромгоҳи. Бу масканларда радио, телевизор, газ, бошқа жиҳозлар бор, телефон ўтказилган, ичимлик сув келтирилган. Хўжалик марказида 90 ўринли «Саодат» болалар боғчаси ишлаб турибди. Қироатхона, учта тиббиёт пункти, учта дўкон, битта маиший хизмат уйи меҳнат аҳлига турли хизмат кўрсатмоқда. Хонадонларда енгил автомашина ва мотоцикллар кўпаймоқда.

Колхоз правлениеси партия комитети ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда йирик миқёсда қурилиш-ободонлаштириш ишларини амалга ошираяпти. Бултур ички йўлларни асфальтлаштиришга 117 минг, водопровод қувурлари ётқизишга 16 минг, жами маданий-маиший ишларга 302 минг сўм сарфланди. Шунингдек, республика партия ва ҳукуматининг кўрсатмалари асосида хўжалик ҳудудида яшовчи кишиларга томорқа участкалари берилмоқда. Ўтган йили шу масалада 177 та ариза тушганди. Уларнинг 87 таси қондирилди. Қолганларга шу ойда ер ажратилади.

Бундай хайрли ишлар жорий йилда қизғин давом эттирилади. Ҳаммом, 140 ўринли боғча, Мусобозор қишлоғида шифокорлик пункти ва бошқа қатор маданий-маиший объектлар қуриш, йўлларни асфальтлаштириш, қишлоқларга табиий газ ўтказиш планга киритилган.

Ҳаракат дастури лойиҳасида таъкидланганидек, «Ерда хўжалик юритишнинг барча шаклларини ривожлантириш озиқ-овқат муаммосининг негизи бўлиши керак. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг, маҳсулотни қайта ишлаш ва асрашнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, бу маҳсулотнинг даладан пештахтага келгунича нес-нобуд бўлишини камайтириш энг муҳим йўналиш бўлиб қолаверади». Бу борада хўжаликда бир қанча муаммолар мавжуд. Чунончи суғориладиган майдон камлиги, аҳоли зич жойлашгани ишни йўлга қўйишнинг илғор усулларини, жумладан ижарани кенг жорий этишни чеклайди. Лекин янгиликни қўлламасдан ҳам бўлмайди. Ортиқча ишчи кучлари йиғилмаслиги учун қишлоқларда ҳунармандчилик, касаначилик, маҳаллий саноат тармоқларини кенгайтириб, янги иш ўринлари вужудга келтириш мақсадга мувофиқ. Жорий йилда колхозда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи цех қуриш мўлжалланмоқда.

ЯНГИЛАНАЁТГАН жамиятда бошланғич партия ташкилотларига эътибор ва мустақиллик оширилаётганлиги кўпчиликни мамнун этаяпти. Бугунги кунга келиб партия мавқеига озми-кўпми путур етганлиги сир бўлмай қолди. Қуйи бўғинлар нуфузи кучайтирилаётгани ана шу хатони тузатишга хизмат қилади.

Колхоз партия ташкилоти сафига 68 нафар коммунист жипслашган. Улар орасида ўз ишига моҳир, ташаббускор кишилар кам эмас. Биолаборатория ходими Гулнора Каримова, оддий колхозчи Жумақул Раҳмонов, механизатор Эгамназар Рўзиев, товуқбоқар Наби Абилов шундайлардан. Коллективда уларнинг ўринлари доим сезилиб туради.

КПСС Марказий Комитетининг ҳаракат дастури лойиҳасида партиянинг асоси бўлган бошланғич ташкилотлар ҳуқуқларини кенгайтириш алоҳида кўрсатиб ўтилган. Партияни ислоҳ қилиш, тубдан қайта қуриш ҳақида гап борар экан, аввало бу янгиланишни қуйидан бошлаш керак. Колхоз коммунистлари бу масъулиятни чуқур ҳис этмоқдалар. Партком мажлисларини ўтказишда, коммунистлар ҳисоботларини эшитишда шунга амал қилинаяпти. Февралда бўлиб ўтган мажлисда аҳоли фаровонлигини ошириш масаласи кўрилди. У аввалгиларидан тубдан фарқ қилди. Правление раиси, партком аъзоси Гулмурод Эшонқулов маърузасидан кейин муҳокама қизғин тортишувлар остида ўтди. Чунки эндиликда илгариги сингари қуруқ гап ва тадбирлар эмас, балки амалий иш, одамлар қорнини тўйдириш керак.

Хўжаликда 8 та цех партия ташкилоти мавжуд. Меҳнат коллективларида уларнинг таъсири катта. Айниқса Норчучук Очилова котиб бўлган 10-бригада цех партия ташкилоти фаолияти диққатга лойиқ. Унга 13 нафар КПСС аъзоси бирлашган. Улар колхознинг 8, 9, 10-бригадаларида меҳнат қилишади. Бултур ҳар учала коллектив белгиланган режаларни ошириб бажарди.

Колхоз партия комитети коммунистликка энг муносиб, ҳалол кишиларни танламоқда. Бу борада унга ҳуқуқ берилгани қўл келаяпти. Бригада бошлиғи Низом Ражабов ўтган йили КПСС сафига ўтди. Ёш коммунист юксак номни оқлаш учун ғайрат кўрсатиб ишлади. Коллектив аъзолари ҳам қараб туришмади. Натижада 58 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27 центнер ўрнига 30 центнердан пахта, 6 гектар ердан 192 тонна ўрнига 403 тонна картошка йиғиштириб олинди. Йил якунида бригада аъзолари хўжаликда энг кўп қўшимча ҳақ олдилар.

Кейинги йилларда партия аъзолигига қабул қилинган бошқа коммунистлар ҳақида ҳам шундай илиқ гаплар айтиш мумкин. Бизнингча, партия бошлаган қайта қуриш тақдири, жамиятни инқилобий янгилашни охиригача етказиш учун ҳар бир коммунист ўзини жавобгар сезиши лозим. Бошланғич ташкилотлар ўз ҳисобларидаги КПСС аъзоларининг ғоявий эътиқодида устивор туриши, муқаддас номни пок сақлаши, ўзларининг нималарга қодир эканликларини амалда кўрсатишига эришмоқлари даркор.

**Э. ИБРОҲИМОВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**





**Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоз сабзавоткорлари жорий йилда эл дастурхонига ҳар қачонгидан кўп дала неъмати тортиқ этишмоқда. Бунинг учун иссиқхоналарда етарли миқдорда карам ва помидор кўчатлари етиштирилди, ерлар экишга сифатли тайёрланди. Айни кунларда ниҳоллар плёнкали майдонга кўчириб ўтқазилмоқда.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Оилавий звено аъзолари Исроил ва Маъмура Саримсоқовлар. 2. Пешқадам механизатор Тўлаган Турғунов.**

Л. ГУСЕЙНОВ
олган суратлар.

## САХОВАТЛИ ОТАХОНЛАР

Нишон районидаги Чўли Бегимқулов номли совхоз теплица хўжалигига қарашли 4 гектар токзор ва 6 гектар боғ парваришини хўжаликнинг пенсионер отахонлари ўз зиммаларига олганлар. Бунга совхоз халқ назорати комитети раиси Чўли Жумаев раҳбарлик қилаётир. Товар Маллаев, Ҳасан Қўзибоев, Бобоқул Ҳусанов каби фидойи соҳибкорлар дарахтларга шакл бериш, буташ, тагини юмшатиш, озиқлантириш, сув шохобчаларини тартибга келтириш сингари юмушларни амалга оширишаётир.

— Узумзор ва мевали дарахтлар кўп йиллар мобайнида қаровсиз қолди. Уларнинг бир қисми қуриди. — дейди Ҳасан ота Қўзибоев. — Яқинда биз, пенсионерлар аҳвол билан яқиндан танишдик, токзор ва боғларни қайтадан тиклаш юзасидан хўжалик раҳбарияти билан маслаҳатлашиб, ишга киришдик. Ошкоралик тантанаси, пахта майдонлари қисқартирилиб, ўлкамизни боғ-роғларга буркашга эътибор берилаётгани бизларни қувонтирмоқда.

Теплица хўжалиги меҳнаткашлари ўтган уч ой мобайнида плёнкалар остидаги 46 сотих майдондан режадаги 9 тонна 200 килограмм ўрнига 12 тонна лимон йиғиштириб олишди. Помидор экилган 2 сотих ерда ҳосил пишиб етилди. Соҳибкорлар ҳозиргача аҳолига 600 килограммдан зиёд помидор етказиб беришди. Юсуф Янгибоев, Ҳамро Абдиев, Марям Дилова, Ойсара Абдиева, Маҳбуба Чориева, Майлихол Жумаева сингари фидойилар кўчат ва дарахтларни парваришлаш, ҳосилни йиғиб-териб олишда жонбозлик кўрсатишаётир.

Хўжаликда асосан 22 киши меҳнат қилади. Уларнинг иш ҳақи кейинги йилларда анча ошди.

— Хўжалик ҳисобига ўтиб меҳнат қилаётганлигимиз ютуқлар омили бўлмоқда, — дейди теплица хўжалиги бошлиғи Жўра Жумаев. — Бир йил ичида 21 минг сўм соф фойда кўрдик. Ишчиларимизнинг меҳнатдан манфаатдорлиги кўтарилди. Ўз навбатида теплицада парваришланаётган помидор, карам, болгар қалампири, бақлажон экинларидан ҳам 15 минг сўм атрофида даромад қилишни мўлжаллаб турибмиз. Жорий йилда токзор ва боғларимиздан ҳам яхши ҳосил олишни кўнглимизга тугиб қўйганмиз.

**М. ҚИЁМОВ.**

## ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

«Социалистик корхона тўғрисида»ги қонун лойиҳаси «Ер тўғрисида»ги ва «СССРда мулкчилик ҳақида»ги СССР қонунларига асос бўлган иқтисодий ислоҳот программасини рўёбга чиқаришга қаратилган. СССР Олий Совети Миллатлар Советининг халқ истеъмол моллари, савдо, аҳолига коммунал-маиший ва бошқа хизматлар кўрсатиш масалалари билан шуғулланувчи комиссиясининг қонун лойиҳасини кўриб чиқишга бағишланган мажлисида ана шу ҳақда гапирилди.

Депутатлар комитетлар ва комиссияларда ушбу қонунни тайёрлаш ва муҳокама қилиш чоғида дуч келаётган зиддиятларга мамлакатдаги аҳвол сабаб бўлмоқда. Бир томондан шу нарса равшанки, қонун бир-икки йилга мўлжалланган бўлмаслиги, унинг социалистик бозорни вужудга келтиришга қаратилганлиги қайта қуриш вазифалари билан боғлиқдир. Агар ҳозир «ҳадиксиралса», келгусида бу нарса тўсиқ воситасига айланади. Бошқа томондан, товарлар тақчил бўлган, халқ хўжалиги издан чиққан ҳозирги вазиятда аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиши мумкин бўлган тартибга солиб турувчи механизмларга эга бўлмаган бозор сари кескин бурилиш, ўпирилиш, ҳалокат ва мисли кўрилмаган ижтимоий зарбаларга сабаб бўлиши мумкинлигини ҳамма сезиб турибди.

Қонун лойиҳасининг мажлисда қизғин баҳсга сабаб бўлган бир қанча лойиҳалари шу нарса билан бевосита боғланган. Улар орасида корхонани бошқариш муаммоси, меҳнат коллективи ўз тасарруфида қоладиган фойданинг бир қисмидан қайси шаклда фойдаланиши тўғрисидаги масала бор. Депутат Ю. М. Мариничевнинг фикрича, олинадиган ана шу фойда «иккинчи» ёки «ўн учинчи» иш ҳақи бўлмаслиги керак. Ваҳоланки, шундай қилиш ҳам мумкин. Америка ва Англия фирмалари катта қисмининг ана шу даромадни бир неча йилда бир марта, ёки ҳаммасини катта миқдорда пенсияга чиқиш вақтида тўлаши бир мунча истиқболлидир.

«Корхона кенгаки» тушунчасини жорий этиш тўғрисидаги масала катта қизиқиш уйғотди. Қонун лойиҳасини тайёрловчиларнинг фикрича, мазкур кенгашга корхона мулки сифатида банклар, министрликлар, идоралар, шунингдек меҳнат коллективининг вакиллари кирадилар. Бунда мулк вакилларининг камида учдан бир қисми меҳнат коллективи овозини ташкил этиши мумкин. Кейинчалик, меҳнат коллективи ўз корхонасини сотиб олишига қараб, бу миқдор сарфланган маблағга қараб ошиб боради. Корхона кенгаши шартнома йўли билан корхона директорини ёллайди ва унинг йиллик ҳисоботини тинглайди. Ана шу ҳисобот якунига биноан шартнома узайтирилади ёки узайтирилмайди.

Қонун лойиҳасида янги, қизиқарли қоидалар анчагина. Бутун қонуннинг бошқа вариантлари ҳам, ҳукумат, меҳнат коллективлари, олимлар таклиф этган муқобил моддалар ҳам бор. Улардан қайси бирлари қонуннинг узил-кесил вариантига киритилишини депуталар ҳал этадилар. Аммо шу нарса равшанки, мазкур қонуннинг қабул қилиниши ҳар бир граждан турмушига амалий таъсир ўтказади.

**С. ЖАРКОВ,**
**ТАССнинг парламентдаги мухбири.**

# МЕҲР-ОҚИБАТ ЙЎҚОЛМАСИН!

**Редакциямизга келаётган хатлар оқими кўпайди. Уларнинг муаллифлари — пахтакорлар, чорвадорлар, зиёлилар, уруш ва меҳнат ветеранлари ўз коллективларида КПСС XXVIII съездига қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги, партия Марказий Комитетининг ҳаракат дастури лойиҳаси юзасидан билдирилаётган таклиф ва мулоҳазалар, тажриба ҳамда ташаббуслар ҳақида ҳикоя қилишган. Айни пайтда Бўка, Паркентдаги бебошликлар, ўйламай қилинаётган ишлар уларни ҳақли равишда ташвишлантираётганлиги баён этилган. Куюнчак қалб соҳиблари мамлакатимиз, республикамиз учун ҳозиргидек оғир, масъулиятли дамларда соғлом кучлар атрофига бирлашиб, қайта қуриш йўлини маҳкам туриб ҳимоя қилиш, кўп миллатли кишилар ўртасидаги ҳамкору ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибатни мустаҳкамлашга даъват этишмоқда. Қуйида улардан айримларини келтирамиз.**

## ТАЪЗИМ

Бундан 30 йил муқаддам Новочеркаск инженер-ирригаторлар институтини битириб, тақдир тақозоси билан Бўз районига келдим. Чўлни ўзлаштиришга киришилган оғир дамлар эди. Бошпана, ичимлик сув, ишчи кучи муаммо эди. Бир йил шароитга мослашолмай қийналдим. Қўл силтаб юртимга қайтиб кетай десам, орият йўл қўймади. Чўлда ирригаторлар ҳаводек зарур эди.

Ёнма-ён ишлаётган одамларнинг очиқ кўнгиллиги, меҳрибонлиги, меҳмондўстлиги қалбимда илиқ ҳислар уйғотди. Улар борларини мен билан баҳам кўришди, уйларининг тўридан жой беришди. Айниқса, Зайнобиддин Зулунов, Эргашбой Қурбонов, Тожиддин Ҳошимов, Анваржон Каримов каби мироблардан ғоят миннатдорман.

Одамлар, замин меҳри шу масканда туп қўйиб палак ёйишимга сабаб бўлди. Елкама-елка туриб барча қийинчиликларни бартараф этдик. Қақроқ чўлга сув чиқди. Пахтазорлар, боғу роғлар барпо этилди. 25 йил район суғориш тармоқлари бошқармасига бошчилик қилиб ўнлаб шогирдлар тайёрладим. Ўғлим Евгений ҳам Андижон пахтачилик институтининг ирригация ва мелиорация факультетини тугатиб, Комсомолобод районидаги 7-механизациялашган кўчма колоннада ишлай бошлади. Ўзбек тилини, маҳаллий халқ урф-одатларини яхши билиб олдик. Истаган киши билан бемалол аския айтишимиз мумкин.

Ўзимча фикр қиламан. Меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат бор жойда ҳар қандай тўсиқ енгиб ўтилади, кўнгилдаги эзгу ният рўёбга чиқади. Бугунги кунда Бўз районида етиштирилаётган мўл-кўл оқ олтин ва бошқа ноз-неъматлар ана шу дўстлик, ҳамжиҳатлик меваси. Бироқ Фарғона фожиалари эсимиздан чиқиб, янги куч, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаётган бир пайтда Бўка ва Паркентдаги хунук воқеа яна ярамизга туз сепди. Бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилганлигига ақл бовар қилмайди. Ахир бундан кимга фойдаю кимга зиён? Тўғри, миллий удумларга бепарволик, кўпгина ижтимоий муаммоларнинг вақтида ҳал этилмаганлиги маҳаллий аҳолида ранж, алам туйғуларини қўзғади. Буларнинг ҳаммаси республиканинг бир қанча районларида муаммоларни кескинлаштириб юборди. Қийинчиликларни партия ва давлатимиз ҳам кўриб турибди. Ҳаётни яхшилаш, халқ талабини иложи борича тезроқ қондиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастури бунинг ёрқин исботидир. Афсуски, баъзилар ҳаддидан ошишаяпти. Вазиятдан, баъзи кишиларнинг тушкун кайфиятидан ғаразли мақсад йўлида фойдаланишмоқда. Митингбозлик, тўс-тўполон билан мақсадга эришиб бўлмайди. Аксинча ножўя хатти-ҳаракатлар бизни асосий ниятдан беш-ўн йил орқага суриб ташлайди. Фаровон, осуда яшашни, меҳнат қилишни истасак қўлни қўлга берайлик, меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлайлик.

**В. ЧЕБОРЯК,**
**инженер-ирригатор.**

## ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ— БОШ МАВЗУ

Қайта қуришнинг ҳозирги мураккаб босқичида миллатлараро муносабатлар негизида содир бўлаётган низолар бу ишга ниҳоятда масъулият билан ёндошишни тақозо этаяпти. Пахтаобод районидаги «Пахтаобод» газетаси журналистлари район территориясида яшаб меҳнат қилаётган йигирмага яқин миллат вакиллари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, ечимини кутаётган муаммоларни моҳирлик билан ёритишга муваффақ бўлишаяпти. Бу газетанинг етакчи мавзуларидан бирига айланган. Сўнгги бир йил мобайнида халқлар дўстлиги, унинг самараларига оид юздан зиёд мақола, ҳикоя, лавҳа ва очерклар берилди. 1989 йил сонларининг бирида районда яшаб меҳнат қилаётган уйғур миллатига мансуб кишиларнинг ҳаёти, урф-одатлари, орзу интилишларига бағишланган ранг-баранг чиқишлар қилинди. «Қозоғистон» нашриётидан қуйидаги мазмунда хат олинди:

«Уйғур тилида чиқадиган республикалараро «Комунизм туғу» газетасининг 22 февраль сонида эълон қилинган журналист Т. Қурбоновнинг мақоласини ўқиб, «Пахтаобод» газетаси бир сонини уйғурларга бағишлаганини билдик. Бу барчамизни қувонтирди. Айниқса уруш ветерани, машҳур разведкачи М. Рижабов, Ленин ордени нишондори А. Раҳмонов ўртоқларнинг жанговар фаолияти ҳаяжонли сатрларда очиб берилган. Ташаббусингизга оқ йўл.

**А. АЛАХУНОВ,**
**«Қозоғистон» нашриётининг уйғур адабиёти редакцияси катта муҳаррири».**

Ижодий коллектив анъанани давом эттириб, бир саҳифани корейслар ҳаётига бағишлади. «Москва» колхозидаги қишлоқ врачлик амбулаториясининг ходими Тамара Аннинг «Энг муҳими — аҳиллик», «Пахтаобод-3» алоқа бўлими бошлиғи Клара Кимнинг «Қарс икки қўлдан» сарлавҳали мақолалари, журналист К. Иброҳимовнинг корейс қизи Элла Хегай билан ўзбек йигити Рустамжон Қорабоевнинг ширин ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи лавҳаси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Пахтаобод ва қардош Қирғизистоннинг Бозорқўрғон районлари ерлари бир-бирига туташ. Икки дўст халқ азалдан ҳамкору ҳамфикр. «Пахтаобод» ва «Эмгек жалини» район газеталарининг қўшма сонлари ҳам улуғ ишга муносиб ҳисса қўшди. «Дўстлик ва ҳамкорлигимиз янада равнақ топаверсин» умумий сарлавҳа остида жойлаштирилган мақолаларда икки халқнинг дўстлиги, унинг самарали мевалари ҳақида ҳикоя қилинган.

Газета таҳламларини варақласангиз турли миллат ва элат вакилларининг дил сўзларини ўқийсиз.

— Ўзбекистонга келганимга 62 йил бўлди, — деб ёзади уруш ва меҳнат ветерани Козим Агаев. — Хотиним Клавдия Украинадан. Ўзим эса озарбайжон фарзандиман. Серқуёш Ўзбекистонда ўз ўрнимизни, ўз бахтимизни топдик. Оғир дамларда яхшилар қўллаб-қувватлашди. Ўз миннатдорчилигимизни садоқат, фидойи меҳнат билан қайтармоқдамиз.

Журналистлар миллатлараро муносабатлар масаласидаги муаммолар, жиддий камчиликларни четлаб ўтаётганлари йўқ. Айрим партия, совет ташкилотлари фаолиятига принципиал баҳо берилмоқда. Турли соҳа ва миллат кишиларига минбар бериб, уларни ўйлантираётган масалалар юзасидан қизғин мунозара уюштирилмоқда. Буларнинг ҳаммаси район меҳнат коллективларида соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, оммани мақсад сари тўла сафарбар этишда муҳим омил бўлмоқда.

**Т. ҚУРБОНОВ,**
**журналист.**

## СУЯНГАН ТОҒЛАРИМ

Афғонистоннинг Улан қишлоғи тоғ ён бағрида жойлашган. Шу ерда қуролдош дўстларим билан ўқ-дори ташиладиган еровсти йўлини қўриқлардик. Вазият ниҳоятда қалтис. Кутилмаганда душман қароқчилари ҳужумга ўтиши мумкин. Энг ёмони улар яна бир ҳийла топишди. Деҳқон кийимини кийиб олган қора ниятлилар хонадонларга қўл фонуси, соат, магнитафон сингари буюмларни арзонгаровга пуллаб кетишарди. Уларнинг баъзи бирларида портловчи моддалар бор эди. Мана шу йўл билан қанчадан-қанча бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилди. Айниқса, қурбон бўлган болаларни кўрганимда анча вақт ўзимга келолмай юрардим.

Бир куни тонг отарда жанговар топшириқ олдик. Душман ҳужумини даф қилиш, қурол-яроғларни қўлга киритишимиз лозим эди. Ҳушёрлик билан тоғ оралаб борардик. Қанчалик эҳтиёт бўлмайлик, яқин ўртада мина портлади. Сурхондарёлик қадрдон дўстим Ортиқ Рўзматов, неча маротаба ўлимларни доғда қолдирган катта лейтенант Иван Гаврилов ҳалок бўлдилар. Душмандан ўч олдик. Топшириқ бажарилди. Ортга қайтаётганимизда яна мина портлади. Чап кўзимни чангаллаганча ҳушимдан кетдим. Кўзимни очсам госпиталда ётибман, аъзойи баданим қақшаб оғрирди. Тошкентда, сўнг узоқ вақт Москвада даволандим. Ёруғ жаҳонни кўрмаслик қанчалик даҳшат эканлигини ўшанда ҳис қилдим. Дўстларим кўнглимни кўтариб, қалбимда ҳаётга бўлган иштиёқни сўндиришмади. Она қишлоғимга қайтгач Хатирчи райони марказидаги кўзи ожизлар жамиятига аъзо бўлдим. Пойандоз тўқиш цехида иш бошладим. Қисқа вақт ичида ажойиб дўстлар орттирдим. Ташаббус кўрсатиб, турли тўгараклар ташкил этдик. Ойлик топшириқларни ҳам зиёдаси билан адо этаяпман.

Инсон ҳаётда дўстлари, ёру биродарлари билан ҳақиқий бахтиёрдир. Бу сўзларнинг қанчалик ҳаётий ва ҳаққонийлигига ўлим билан юзма-юз келган дамларда кўп бор ишонч ҳосил қилганман. Эзгуликка ҳамкор-у ҳамжиҳатликка нима етсин!

**Н. АҲМЕДОВ,**
**байналмилал жангчи.**

